

Фаргона ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тошкент шаҳар 7-сонли клиник шифохонаси номидан иш юритувчи **К.Мухаммадиев** бир томондан, кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритиладиган **«FERGHANA GABLE SERVICE» МЧЖ** номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари **Джалилов Б.М.**, иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугриси"даги, Курилиш меъерлари ва қоидалари (КМК1.03.01), ВМ нинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳасини таъйрлаб беришга доир мазкур шартнома туздилар.

1. Шартнома мавзуси.

1.1. Мазкур шартномага асосан лойиҳачи **«Тошкент шаҳар 7-сонли клиник шифохонаси ҳудудида Асаб касаликлар бўлими биносини жорий тамирлаш»** - объекти буйича смета-экспертиза ишларини бажариш.

2. Шартнома буйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойиҳачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **9 970 000 (туққиз миллион туққиз юз етмиш минг) сўми** ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: -қурилиш қийматини қупайтириш енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
- Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан узгартирилганда;

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайти ва -барча ишларни тулик ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган КМК қоиди ва қулланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади; Мухандис билан бажариладиган ишлар босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳақида муҳандисга ахборот тақдим қилади.

3.2. Буюртмачининг руҳсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бермайди.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5. Туловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 15 % миқдорида авансни ўткази.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, тегишли манзилли дастур бўйича маблағлар ажратилганидан сунг ишлар шартномавий жорий қийматининг миқдорида амалга оширилади.

5.3. Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

5.1 Ишларни бажариш

5.1.1 Буюртмачи бажариладиган ишларга муҳандис тайинлайди. Мухандис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, пудратчи бажарилаётган ишлар ҳақида ахборот тақдим қилади.
-Мухандис Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

6. Коррупцияга қарши талаблар

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қурашиш талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилишларини ифода қилади ва қафолатлайди.

7. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8. Кафолатлар

8.1. Пудратчи: -барча ишларни тўлиқ хажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатда, бажарилишини кафолатлайди;

9. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

9.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

9.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

9.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

9.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

9.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлатэкспертизаси» нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

9.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

9.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

9.8. Ушбу шартнома уч нусхадан тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (булими)да белгиланган тартибда руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабрдан амал қилади

10. Низоларни ҳал қилиш

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

р/с 404421860262667950100054002
Шаҳар 7-сон клиник шифоҳонаси
Манзил: Тошкент 99, Гайратий 24. Тел.(факс) 224-18-80
Х/Р 23402000300160001010
х/р: П/х-Ш/Р 401421860262667950100054002
ИНН: МҲО 00014 ОКОНХ 91511 ИНН 201123054
Банк: Тошкент ХККМ Молия Вазирлиги
МҲО: Газначилиги ИНН 201122919

«FERGHANA GABLE SERVICE» МҲЖ

Манзил: Фарғона шаҳар Ватан равнақи кучаси 228-уй

Х/р: 20 208 000 800 242 884 001

МҲО: 01131 ИНН: 302 653 903

Телефон: +998 90 407 39 96

Банк: Универсал банк Фарғона филиали

Директор:

Мухаммадшерифов КР
Алиқаримов
Қаримов

Директор:

Б.Джалилов





Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 7538-895e-c527-dee2-1125-6610-7837
Хужжат яратилинган сана: 2020-05-20
Ариза рақами: 18832389

Хужжат берилган: FERGHANA GABLE SERVICE
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 302653903

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

FERGHANA GABLE SERVICE МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун қуйидаги: Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 20-05-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000748

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 302653903

Юридик шахснинг почта манзили: КОРИ НИЁЗИЙ КУЧАСИ 228 УЙ

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ТУРСУНОВ АСКАР ШЕРАЛИЕВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун go.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

3503



7 – сон шаҳар клиник шифохонаси
Давлат Хариди бўйича Комиссиясининг Йиғилиш

БАЁННОМАСИ №_8_

Тошкент шаҳри

«_08_» август 2022й

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунига мувофиқ 7- сон клиник шифохонаси 2022 йил 01 мартдаги № 12-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия таркиби:

Йиғилиш раис: 1. К.Р.Мухаммадиев

Йиғилиш котиби – А.Рустамова

Давлат харидлари бўйича комиссия аъзолари:

2. У.Кандимов

3. А.Ахмедходжаева

4. Р.Исмамова

5 Н.Умаровалар иштирокида Давлат Харидлари бўйича комиссия йиғилиши ўтказилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. 7 –сон клиник шифохонаси Давлат Хариди бўйича Комиссиясининг 2022 йил 27 июлдаги Энг яхши таклифга №22110012128865-сонли лот рақами билан қўйилган: 4-биноси асаб касалликлари булимини жорий таъмирлаш хизматлари смета ва экспертизадан утказиш хизматлари бўйича баённомани муҳокама қилиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 7-боб 62-моддаси ҳамда Шаҳар 7-сон клиник шифохонаси 08 август баённомаси белгилаган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Давлат харидларининг электрон тизимга “Энг яхши таклиф”ни муҳокама қилиш учун 7-сон клиник шифохонаси Давлат Хариди бўйича Комиссиясининг 2022 йил 08 августдаги №22110012128865-сонли лот рақами билан Шифохонанинг 4-биноси асаб касалликлари булимини жорий таъмирлаш хизматлари смета ва экспертизадан утказиш бўйича 2 иш кунлик муддатда энг яхши таклиф бўйича бошқа иштрокчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар билдирилмади.

1.Раис: К.Р.Мухаммадиев

2.У.Кандимов

3.Р.Исмамова

4.Н.Умарова

5.А.Ахмедходжаева

7 – сон шаҳар клиник шифохонаси
Давлат Хариди бўйича Комиссиясининг Йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 7

Тошкент шаҳри

«_08_» август 2022й

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунига мувофиқ 7- сон клиник шифохонаси 2022 йил 01 мартдаги № 12-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия таркиби:

Йиғилиш раис: 1. К.Р.Мухаммадиев

Йиғилиш котиби – А.Рустамова

Давлат харидлари бўйича комиссия аъзолари:

2. У.Кандимов

3. А.Ахмедходжаева

4. Р.Исмамова

5 Н.Умаровалар иштирокида Давлат Харидлари бўйича комиссия йиғилиши ўтказилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. 7 –сон клиник шифохонаси Давлат Хариди бўйича Комиссиясининг 2022 йил 27 июлдаги Энг яхши таклифга №22110012128865-сонли лот рақами билан қўйилган: Шифохонанинг 4-биноси асаб касалликлари булимини жорий таъмирлаш хизматлари смета ва экспертизадан утказиш бўйича баённомани муҳокама қилиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 7-боб 62-моддаси ҳамда Шаҳар 7-сон клиник шифохонаси 08 август баённомаси белгилаган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Давлат харидларининг электрон тизимга “Энг яхши таклиф”ни муҳокама қилиш учун 7-сон клиник шифохонаси Давлат Хариди бўйича Комиссиясининг 2022 йил 08 августдаги №22110012128865-сонли лот рақами билан Шифохонанинг 4-биноси асаб касалликлари булимини жорий таъмирлаш хизматларини смета ва экспертизадан утказиш бўйича “FERGANA GABLE SERVIS” корхонаси қўйилган борча тлабларга тулик жавоб бергани учун энг юкори балл туплаб голиб деб топилди.

1. Раис: К.Р.Мухаммадиев

2. У.Кандимов

3. Р.Исмамова

4. Н.Умарова

5. А.Ахмедходжаева



Handwritten signatures in blue ink corresponding to the list of commission members, with lines indicating the signature area for each name.